



Ойдин бекат

Тўра Сулаймон асли тоғ фарзанди. У Бахмалнинг Алдаманида туғилди. Мирзачўлда кўнча илк бор қалам олган шоир. Биринчи шеърларини Мирзачўлда ёзгани билан кўз гавхарларида Ойқортоғ чўққиларидаги қорлар жиссини, Сангзор дарёсининг ой нурида эврилиб-эшилиб оқшларини муҳраб олишга улашган инсон.

Тўра Сулаймон кўзга суя тароиди. Чўпон-чўлққа эргашиб сурве хайдади. Қиш аямасида чопонининг этагида кўзи қуритди. Чўл қизғалдоқларига изхори дил айтиди.

БАҲОР КЕТМАС СЕНИНГ БОҒИНГДАН

У эллик йил муқаддам қиличдек ўспирин эди. Эллик йил муқаддам ётиқни Бедилу Навоий китоблари билан бирга кучоқлаб, кўзи уйқуга кетарди. Қирқ йил муқаддам эса кўш китоб чиқарган бўз йигит оёғи ерга тегиб-тегмай юрарди. Ана шу бўз йигит мактабда адабиётдан дарс берарди. Уша йиллари Мирзачўлда унга ҳавас қилмайдиган қаламқаш йўқ эди.

Йиллар Фафур Фулом таъбири билан айтганда, сахий отанинг чўнтагидан чиққан сўлавойларидай шалдираб ўтиб кетаваркан. Таниш-билишлари уни Тошкентга ана кетади, мана кетади, дея гап қилишдан чарчамадилар. Шоир эса кўч-кўлон ортисида шошилмасди. Фолчи ўртоқлари фол очиб юрган дамларда у қишлоқда янги уй қурди. Боғига тоқу анор кўчатлари ўтқазди. Ёзган китоблари ўндан охири кетганда ҳам пойтахтга таптинмади. Бу орада чарослари ҳосилга кириб, анорлари ҳам кузда ҳандалакдай-ҳандалакдай мева тугди.

Шоирнинг умри ўтовларда, далаларда, яйловларда ўтарди. Уватларда ўтириб деҳқоннинг яхши ивигиларини қаттиқ наон ботириб эди. Қишларда ёнбошлар қимрон симириганча чўпонни гапта солди. Сафар халтаси мақолу матал, ривоят афсона битилган дафтларга тўлиб борди...

Мендан Тўра Сулаймоннинг қандай шеър ёзишини сўрашса, билмайман деб жавоб берган бўлардим. Билганим шуки, шоир ижод онлари исирик тутатиб шеър ёзади. Ниҳоятда поэтика инсон у. Дили кир, юраги қора кимсаларни чақиб гапирди. Чақиб гапирса ҳам топиб гапирди. Нозик таъбиқда у одамнинг олдида бу атрофда бирон кимса тушолмайдди. Дастурхонда қил кўрса бўлбунинг тилидан булган қийма кабога ҳам қиё боқмайдди. Сут билан кириб, жон билан чиқадиган феъл-бу ёди.

Шоирнинг амал ботида оти чопмади. Эталлаган энг катта курсиси республика ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг котиблиги бўлди. Аммо у бундан жимжилоқча ҳам хафа эмас. «Пешонамга амалдор бўлиш битмаган бўлса, менда не гуноҳ?» дея ёйилиб кулади у. Кўпнинг бахтига Яратган уни амалдор бўлишдан қисгани рост бўлсин. Ким билсин, амалдор бўлганида не-не китоблар ёзилмай, не-не дурдона шеърлар кўнгли тубида қолиб кетармиди. Шоир эл назарида юксалиб борди. У ана шу меҳрга шеър

лари билан етишди. Шеърлари уни давраларнинг тўрига етаклаб чиқди. Ана шу шеърлар Алдаманининг эрка ўғлини энг юксак минбарларга кўтарди. Ана шу шеърлар уни ёмон кўзлардан, иғво ва бўҳтонлардан асради.

Тўра Сулаймон бориб турган болафеъл одам. Кулса кулгичлари сизни сийпалагандек бўлади. Жилмайса, ажинлари тарқаб ҳозир ҳам суҳурдек ўспирин қиёфасига кириди. Мақтову иззатни ёқтирмайдиган киши ҳали дунёга келмаган. Қаҳрамонимиз эса бепарда мақтов, ортиқча иззат-икромга сал тепадан қаради.

У тарихимизни алқаб яшади. Алпомишу Барчинойни қаҳрамон билди. Шеърларида бўлбулу савалар нағмаси янгради, зағчаю қарғалар, бойўлино, кўршапалаклар шоир юрагининг ағёрларига айланди. У чоп этган китоблар қўлма-қўл бўлди. Жавонларда чанг босиб ётмади.

Тўра Сулаймонда шеър бор. Унда юрак бор. Бу юрак 65 йилдан буюн икки дарё оралиғидаги ва дарё ортидаги қалби пок, ниҳти улуг, вужуди боқира инсонларни куйлаш билан оворасон. У «Согини» шеърда шундай ёзади:

Қилмиши қингир зотга давр қайда,
даворон қайда.
Ватангадо кимсага беминнат
мақон қайда.
Ёлғиз отга оламда ном қайда,
нишон қайда.
Баҳор, сенсиз саҳрою тоғу тоғи
жон қайда.
Баҳор, кетма, менинг боғимдан...

Уламалликка ишора ўланга ошқилигим.
Саодатга ишора эртанга ошқилигим.
Теранликка ишора уммонга ошқилигим.
Гўзалликка ишора бўстонга ошқилигим.
Баҳор, кетма, менинг боғимдан...

Ўзи қуйлаганидек, бу юрак буржларидан, токи у тирик экан, баҳор ҳам, ишқ ҳам, садоқат ҳам асло кетмагандир. Устозга тани сиаҳлик, кўнгли хотиржамлиги, ижода илоҳий парвозлар тилаб, шундай деймиш: етмишларга етиб юринг, саксонлардан сакраб ўтинг, тўқсон билан тўқнаш келиб, юз ёшда ҳам йигит бўлинг.

Аликул ХОНИМҚУЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.



Учқўрлик туманида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш борасида ибратли ишлар амалга оширишмоқда. Тиббиёт ходимлари маҳалалар, корхона-ю, ташкилотлар ҳамда дала шийпонларида бўлиб профилактика ишларини қўчайтиришмоқда. Айниқса, ҳар бир дала шийпониди тиббиёт хоналари, бу хоналарда эса зарур дори-дармонларнинг бўлиши эътиборга олиш.

СУРАТЛАРДА: тиббиёт ҳамшираси Шоҳиста Ҳайдарова ўзига бириктирилган Мирзаахмед Деҳқонов номи ширкат хўжалигининг 15-бригадаси дала шийпонига янги дори-дармонлар келтириб; дала шийпониди кутубхона ташкил қилинган.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ
олган суратлар.

Кино ҚАҲРАМОНЛАР ТУРКУМИДАГИ ИЛК АСАР

Ўзбекистон Киночилар уювда илмий-оммабоп ва ҳужжатли фильмлар кино-студияси томонидан суратга олинган «Исон ёниб яшаш керак» ҳужжатли фильмининг премьераси бўлиб ўтди. Фильмда халқимизнинг истиқлол йилларида жўш урган бунёдкорлик, ишчанлик, фидокорлик ва юртпарварлик қасдларини Ўзбекистон Қаҳрамони Иброҳим Файзуллаев ҳақи мисолида ас эттирилган.

Асар меҳнатқашларнинг 1998 йилнинг баҳорида Денон туманидаги Собир Раҳимов номи жамоа ҳужжатли кинода юз берган сув тоққини оқибатлари олдинда олишда кўрсатган жасорати ва матонат ҳақидаги лавҳалар билан бошланади. Тошкент бошланганда И. Файзуллаев зарур иш билан Тошкент аэропортига эндигина келиб тушган эди. Денонда табиий офат юз берганини эшитиши биланоқ у яна қайтиб самолётга ўтиради. Воксе жойига етиб келиши биланоқ, у тошқинга қарши умумий сафарбарлик эълон қилиб, уч кечаю уч кундуз шу ишга бошчилиқ қилади. Сув, лой кешиб, не-не машаққатлар билан кутуриб келаётган тошқиннинг олди олиниди. Оқибатда 14 мингга яқин аҳоли халқомат қиёвдан ўнлаб қишлоқлар, тузар-жой бинолари, минглаб тектарагга қишлоқ ҳужжатли экинлари жиддий хавф-хатардан сақлаб қолиниди.

Фильмда, шунингдек, истиқлол неъматлари, халқимизнинг бунёдкорлик ишлари самаралари, дорилмон кунларимиздан шукроналик тараннум этилган лавҳалар урин олган.

Ўктам Дўстёр,
ЎЗА мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Маълумотлар узатиш миллий тармоғини мукаммаллаштириш ва ривожлантириш бўйича

ХАЛҚАРО ТЕНДЕР ЭЪЛОН ҚИЛИНАДИ

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 22 апрелдаги 193-сонли «1992-2003 йилларида Ўзбекистон Республикаси Маълумотлар узатиш миллий тармоғини мукаммаллаштириш ва уни ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорини бажариш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 сентябрдаги 375-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудда туб қурилиш соҳасида танловли савдо (тендер) уюштириш ва ўтказиш нияомига биноан, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги Ўзбекистон Республикаси Маълумотлар узатиш миллий тармоғини мукаммаллаштириш ва ривожлантириш бўйича халқаро очиқ тендер эълон қилади.

2. Маълумотлар узатиш Миллий тармоғини мукаммаллаштириш ва ривожлантириш бўйича лойиҳаларни тайёрлаш, усқуналар етказиб бериш, уларни монтаж қилиш, устки қурилмаларни бажариш, синов ўтказиш ва ишга тушириш, ходимларни ўқитиш, кафолат ва кафолатдан кейинги таъмирлашни таъминлаш, техник кўмак кўрсатиш, йўриқномалар бериш ва бошқа ишларда қатнашиш учун тендер — танловли савдога жаҳоннинг исталган мамлакатидан даввогарлар таклиф қилинади.

3. Тендерда қатнашиш истагини билдирган даввогарларни қабул қилиш ва рўйхатта олиш 1999 йилнинг 20 июль кунини маҳаллий вақт билан 12.00 гача қўйидаги манзилда амалга оширилади: Ўзбекистон Республикаси, 700000, Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-а, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги.

Аризаларда қўйидагилар кўрсатилиши лозим:

- Тендерда қатнашувчи даввогарларнинг номи, ҳуқуқий мақоми ва кўрсаткичлари тўла баён қилинади;
- Тендер ҳужжатларини қайтариб бериш учун асос бўладиган банкдан берилган тўлов қоғози.
- Тендер ҳужжатлари тўлови 9000 АҚШ доллари миқдориди қўйидаги манзилга ўтказилади: «Алоқабанк» САКБ, № 20210840400155253331 ҳисоб вақни, код 00401, ППСД «ЎЗРАК».
- Тендер ҳужжатлари 1999 йилнинг 21 июль кунини маҳаллий вақт билан соат 13.00дан 28 июль кунини маҳаллий вақт билан соат 18.00 гача юқоридида кўрсатилган манзилда берилди.
- Даввогарларнинг таклифлари (офертлари) тендер комиссияси томонидан 1999 йилнинг 30 август кунини маҳаллий вақт билан соат 9.00 дан 1999 йилнинг 7 сентябрь кунини маҳаллий вақт билан 17.00 гача юқоридида кўрсатилган манзилда қабул қилинади. Белгиланган вақтдан кечикиб таклиф этилган таклифлар (офертлар) ҳақиқий ҳисобланмайди ва қўриб чиқилмайди.
- Тендер маросими 1999 йилнинг 8 сентябрь кунини маҳаллий вақт билан соат 10.00 да қўйидаги манзилда бошланади: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-а, Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги.

Тендер тўғрисида қўшимча маълумотларни қўйидаги телефон/факс орқали олиш мумкин: +(99871) 144-82-87 (иш вақти 9.00 дан 18.00 гача).

Тендер комиссияси.

Иш ўринлари кўргазмаси

Нукус шаҳар меҳнат, иш билан таъминлаш ва ижтимоий ҳимоялаш бўлими ўтказган бу гапги иш ўринлари кўргазмаси самарали бўлди. Унда малакали мутахассисларга эҳтиёж сезаётган ўнлаб корхона ва ташкилотлар вакиллари қатнашди. Кўргазма натижасида 200 нафар киши ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашди. 15 киши эса касб ўргатувида ўқув курсларига қабул қилинди.

А. ИСКАНДАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Спорт Андижонда эр-кавлар ўртасида чин устида хоккей бўйича Ўзбекистон биринчилигининг иккинчи тур ўйинлари натижасига етди.

Андижонликлар Олинда

Биринчи тур пешқадами бўлган Андижоннинг «Звезда» командалари иккинчи турда ҳам биронта хол йўқотмади. Андижоннинг «Руор», Самарқанднинг «Шердор» командалари иккинчи ва учинчи ўринда бормоқда. Учинчи тур ўйинлари 21 июндан бошлаб Тошкентда ўтказилади.

К. НИЗОМОВ,
ЎЗА мухбири.

«МАҲАЛЛИЙ ТЕЛЕКОМ» АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ КУЗАТУВ КЕНГАШИ

маълум қиладики, 1999 йил 30 июнь соат 10.00да

Ўзбекистон Почта ва телекоммуникация агентлиги биносида,
яъни Тошкент шаҳри, А. Толстой кўчаси, 1-уйда акционерларнинг
умумий йиғилиши ўтказилади.

Қатнашчилар соат 8.30 дан бошлаб
рўйхатдан ўтказилади.

Кун тартиби:

1. «Маҳаллий телеком» АК бош директорининг компаниянинг 1998 йилги молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳамда 1999 йилдаги истиқбол тараққиёти тўғрисидаги ҳисоботи.
2. «Маҳаллий телеком» АК кузатув кенгашининг 1998 йилги фаолияти ҳамда 1999 йилдаги асосий вазифалари тўғрисида.
3. Йиллик ҳисобот, бухгалтерия баланси, даромад ва чиқим тақсими, компания ижро аппаратурининг 1998 йилги сарф-харажатлари сметасини тасдиқлаш.
4. Тафтиш комиссиясининг 1998 йилги ҳисоботи ва аудитор ҳисоботи тасдиқлаш.
5. «Маҳаллий телеком» АК бизнес-режисини ва компания ижро аппаратурининг 1999 йилги сарф-харажатлари сметасини тасдиқлаш.
6. «Маҳаллий телеком» АК бош директорини тасдиқлаш.

Йиғилишга доир ҳужжатлар билан
аввал ёки йиғилиш бошланиши
олдиндан танишиш мумкин.
Боғланиш телефони:
34-96-30.

Акционерлар вакиллари
ўзлари билан:

- Таклифнома
- Паспорт
- Ишонч қоғози олиб келишлари керак.

«МАҲАЛЛИЙ ТЕЛЕКОМ» АКНИНГ 1998 йилги баланси

(МИЛГ. СЎМ.)

Номланиши	Актив	Пассив
I Узоқ мuddатли активлар	63040	
II Айланма активлар		
Ишлаб чиқариш заҳираси	10222	
Пул маблағи	1609	
Диторлар билан ҳисоб-китоб	2063841	
III Хусусий маблағ манбалари		
Устав жамғармаси		2025934
Заҳирадаги капитал		44628
Тақсимиламасан даромад		3288
IV Маъжбурий		69862
БАЛАНС	2143712	2143712

МОЛИЯВИЙ НАТИЖАЛАР

(МИЛГ. СЎМ.)

Маҳсулотни сотишдан тушган тушум	- 112689
Асосий фаолият даромади	- 21926
Умумий молиявий натижа (даромад)	- 24049
Соф (тақсимиламасан) фойда	- 3288

«Аломат Аудит» аудиторлик фирмаси томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1996 йил 3 октябрдаги № 210 рақамли лицензияси.

1857

Реклама ва
эълонлар
136-09-25

Арзон нархларда - сифатли газламалар, маркази - ташкилоти Сизга!

Тик йўл-йўл газламалар, пластикдан, алюминидан

ЎТИҚ ЙЎЛ-ЙЎЛ ром, оралиқбел алюминидан

LINE-STYLE

Буюртмачилар хоҳлаган ўрнатмага бинонан 24 соат ичида тайёрлаш

АГЕНТЛИК САФАРИНИ БЕРТУЛ

КАФОЛАТ БУТИ НАҚДЖОЛА-1 йиллик БЕЖИК БУКИЛА-3 йиллик

Буюртма ўрнатиб берилади

Дарпардалар учун қариндас

Маҳсулотлар бонати ПАТЕНТЛАШТИРИЛДИ

Монитор: Тошкент ш. Навоий кўчаси, 16а.

Т/ф: (3712) 41-56-53, 41-59-44, 41-53-04, 173-74-24, ш. яқ. 185-72-14.

Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси жамонси прокуратура идораларининг фахрийси Ҳамидулла Отақузиёва турмуш ўртоғи
Зухра ОТАҚУЗИЕВанинг
вафот этганини муносабати билан унга чуқур таъзия изҳор этади.

Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент вилояти божхона бошқармасининг инспектори
Фарҳод БАЙЗАКОВнинг
ҳаётдан бевақт вафот этганини сабабли марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош уруеларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Тахрир хайъати:

М. ЕГОРОВ
(масъул котиб —
«Народное слово»),
А. ЖАББОРОВ,
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУХИДДИНОВ
(бош муҳаррир уринбо-
сари — «Халқ сўзи»),
Л. ПАК,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁЕВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сўсий ҳаёт —
133-57-34;
Ҳуқуқ —
136-07-94;
Иқтисодиёт —
136-36-65;
Қишлоқ ҳўжалии —
136-37-85
Маънавият ва маърифат —
136-35-60, 132-10-65;
Халқлар —
136-29-89,
133-07-48;
Фан, соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий масалалар —
132-12-08;
Халқаро ҳаёт —
132-11-15;
Котибият —
133-10-28;
Эълонлар —
136-09-25.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001

Буюртма Г — 0456,
30695 нусхалда босилди,
ҳажми — 2 табоқ,
Офсет усулида
босилган.
Қоғоз бичими А—2

Газета PENTIUM-II
компьютерда терилди
ҳамда операторлар
Сергей ЛУКИН ва
Жамшид ТОҒАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб —
Ю. ҲАМИДОВ,
Навбатчи муҳаррир —
М. САФАРОВ,
Навбатчи —
О. РАҲАБОВ,
Мусаххач —
Ф. УСМОНОВ.

• МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй.

Тахрирда ҳажми
5 қоғаздан зиёд
материаллар қабул
қилинмайди.

«Шарқ» нашриёт-
матбаа концерни
босмаҳонаси.

Корхона манзили:
«Буюк Турон»
кўчаси, 41.

Босишга топириш
вақти — 21.00
топирилади — 00.40
1 2 3 4 5 6